

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ ВА БАСТАКОРЛАРИ УЮШМАСИ

**“XXI ASR MUSIQA SAN’ATI:
MUAMMO VA YECHIMLAR”**

Халқаро илмий-амалий конференция
материаллари тўплами
2018 йил 5 ноябрь

**“МУЗЫКАЛЬНОЕ ИСКУССТВО XXI ВЕКА:
ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ”**

сборник материалов Международной
научно-практической конференции
5 ноября 2018 года

**“MUSIC ART XXI AGE:
PROBLEMS AND SOLUTIONS”**

book of the International
scientific-practical conference
5 november 2018 year

«Musiq» нашриёти
Тошкент
2018

ББК 85.31

X 18

“XXI аср мусиқа санъати: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами / Нашрга тайёрловчи: Б.Ашуров, Н.Исмоилова. – Тошкент, “Musiqа” нашриёти, 2018, 422 б.

ББК 85.31

УДК 78.06"20"

*Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами
Ўзбекистон давлат консерваторияси
Ўқув-услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган
(2-сон баённома. 26.10.2018)*

Масъул мухаррирлар: **Сайфуллаев Б.С.** – Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазири – Ўзбекистон давлат консерваторияси
ректори, профессор
Гафурова С.А. – Ўзбекистон давлат консерваторияси
Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор,
профессор

Такризчилар: **Абдуллаев Р.С.** – Ўзбекистон давлат консерваторияси
“Ўзбек макоми тарихи ва назарияси” кафедраси
профессори
Ашуров Б.Ш. – Ўзбекистон давлат консерваторияси
Илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи

*Материаллар муаллифлик таҳририда тақдим этилади
Материалы представлены в авторской редакции
Materials presented under author's edition*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги 178-ф-сонли Фармойишига мувофиқ Ўзбекистон давлат консерваториясида ўтказилган “XXI аср мусиқа санъати: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўпламида XXI аср композиторлик ижодиёти муаммо ва ечимлари, ижрочилик масалалари: тарих, назария ва амалиёти, мусикий педагогикада инновацион методлар ва технологиялар, фольклор ва анъанавий мусиқа масалалари, мусиқашуносликнинг тарихий-назарий масалаларига бағишланган илмий мақолалар ўрин олган.

© «Musiqа» нашриёти, 2018.

ISBN 978-9943-5301-2-6

МУСИҚА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

*А.Маҳамматов, А.Абдурахимов,
Жиззах давлат педагогика институти*

Annotation: This article illustrates some matters of professional preparedness of the teachers of music in the process of education.

Фан ва санъатнинг асосий мақсадлари бирлиги – олим ва санъаткор ижодиётида умумийлик мавжуд. Фан ва санъат юксалиши инсониятнинг цивилизация чўққилари сари юксалиш дастурининг таркибий қисмларидир... Ҳақиқат ва гўзаллик йўқ жойда буюклик ҳам йўқ. Ҳақиқатни фан, гўзалликни эса санъат яратади.

«Музыка фани» намояндлари, хусусан умумтаълим мактаблари музыка ўқитувчилари ушбу масалаларни замонавий нуқтаи назардан келиб чиқиб, қайта- қайта талқин қилишлари зарур.

Мактабда музыка фани нима учун ўқитилади? Уни бошқа фанлар билан нима боғлаб туради? Унинг хусусий жиҳатлари нимада?

Муайян дарс ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб қаралганда унинг «ўқув ва тарбиявий» вазифаларининг нисбати қандай бўлиши керак? Болаларнинг кўшиқ айтиб, куй чалишлари уларнинг умумий ва музикавий ривожланишларида, маданиятли музыка мухлисларини тайёрлашдаги аҳамияти қандай? Умуман, умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг «ижрочилиги» ни қандай тушунмоқ керак? Ахир бу дарс музыка ижрочиларини тайёрлашни кўзда тутмайдику!

Бу ва шунга ўхшаш саволлар музыка ўқитувчисидан ўз ишига доимий, ижодий- танқидий муносабатни талаб қилади. Ўқувчиларни музикавий тарбиялаш бўйича кўплаб назарий ва амалий-услубий характердаги адабиётлар чоп қилинди.

Шу сабабли баъзиларда «Яна шу масалани кўтаришга зарурат бормикан?» деган савол уйғониши мумкин. Тўғри, назарияда ҳам, амалиётда ҳам, кўплаб кимматли ва қизиқарли ишлар амалга оширилди. Баркамол шахс тарбиясига санъат турларини жалб қилиш доирасида музыка санъатига ҳам мурожаат қилинмоқда. Кейинги йилларда бу ҳақида кўпаб назарий тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Е.В.Назайкинскийнинг «Музыкавий идрок психологияси» китобида индивидуумнинг таассуртли тафаккури, сенсор (кўриш, эшитиш. ҳис қилиш) ва кинетик (мотор-ҳаракат) ҳиссиёт турлари ва ҳаётий тажрибаси орасида алоқа мавжудлиги қайд қилинади. Муаллифнинг фикрига кўра, ушбу ўзаро алоқалар орқали тингловчи ва ижро этилаётган асар орасида психологик алоқа ўрнатилади. Ўқув-тарбиявий жараёнга коплеке ва системали ёндашув зарурати ҳозирги музикавий педагогиканинг долзарб муаммоларини ҳосил қилмоқда. Яъни педогог доим кўтаринки руҳда бўлиши, исталган вақтда ўз эмоционал кўтаринки руҳини болаларга ўтказа олиш керак. Бунда кўп нарса ўқитувчининг ҳаётий тажрибасига, кузатувчанлигига, музикавий билимларига ҳам боғлиқдир. Дарслар ҳам педагогнинг айнан шу сифатларига, унинг ташаббускорлиги, ижодкорлигига таянади. Яъни ўқитувчи дастурга ўқув-тарбиявий заруриятдан келиб чиққан ҳолда ўзгаришлар киритиш мумкин. Албатта, бу ўзгаришлар унинг шахсий ижобий тажрибасидан келиб чиқмоғи керак. Бунинг учун музыка ўзининг барча ҳаёти алоқалари ва намойишларига кўра ўқитувчини ҳаракатлантирувчи кучга, унинг ҳаётини бир қисмига айланмоғи керак.

Мамлакатимизда 500 дан ортик болалар хор студиялари фаолият кўрсатиб, уларнинг сони тобора орта бормоқда. Улар ўқувчиларда қобилиятлар ривожланишига пойдевор яратиб, дунёқараш, ахлоқ ва маънавий эҳтиёжларни шакллантириш зарур.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, кейинги йилларда таълимга ўқувчиларда абстракт тафаккурни ривожлантиришга қаратилган эътибор кучайиб, ўқув жараёнининг тарбиявий жиҳатида аҳамият бир оз сусайди. Бу айниқса гуманитар фанларда хусусан «Музыка маданияти» предметида яққол кўзга ташланмоқда. Ҳафтада бир дарс (45 дақиқа), унинг 7- синфгача давом этиши ва бунинг ҳам кўпинча умуммактаб тадбирларига қўшиб юборилиши ўқувчиларни муסיқавий тарбиялашни талаб даражасига кўтаришига тўсқинлик қилмоқда.

Бундай шароитда ўқувчиларни муסיқа оламига олиб кириш, уларни фан ва амалиётда самарадорлиги тасдиқланган фаолият турларига жалб қилиш қийин. Мамлакатимиз ва хорижида кузатилаётган илғор тажриба муסיқавий тарбияга етарли эътибор ва вақт ажратилаётган мактабларда ўқувчиларнинг бошқа фанлардан ҳам яхши ўзлаштиришини кўрсатмоқда.

Муסיқавий малакаларни шакллантириш муסיқани идрок қилиш ва ижро этишга доир айрим ҳаракатларнинг қайта-қайта такрорлашни тақозо қилади. Машқ, ҳаракатларнинг моҳиятини чуқур англаш учун улар эркин, бадий-ижодий даражада бажарилиши керак.

Таракқийпарвар тажриба муסיқа дарсларининг кўпайтирилиши ўқувчиларни толиқтирмайди, аксинча, улардаги чарчоқни эмоционал –қизиқарли вазиятлар ташкил қилиш орқали тарқатишга хизмат қилади. Ижодий - билиш фаолиятида ўқувчиларнинг муҳим ахлоқий-маънавий сифатлари шаклланиб, маънавий ҳаётининг таркибий қисмига айлана боради.

Меъёрий ҳужжатларда ўқитувчининг юқоридаги вазифаларни амалга оширишдаги роли аниқ белгилаб берилган. Бирок муסיқа ўқитувчисини ушбу фаолиятга касбий тайёрлаш муаммосининг ҳал қилинмаган масалалари кўп.

Педагогика институтларининг муסיқа – педагогика факультетларига кирган талабаларни ўрганиш уларнинг аксариятида ўқитувчилик касбига қизиқиш пастлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли педагогик таълимнинг асосий вазифаси уларни, болаларни муסיқавий тарбиялашга йўналтириш эмас, балки уларни ўқитувчилик касбига қизиқтиришдан иборат бўлиб қолмоқда. Натижада кўпчилик битирувчилар муסיқа дарсларини ташкил этишнинг мураккабликлари, бунинг учун олий ўқув юртида кўп нарсаларни ўрганиб олиш мумкин эканлиги, бироқ ўрганмаганликларини англайдилар.

Ёш ўқитувчилар муסיқанинг болаларда қай даражада эмоционал кўтаринкилик ҳосил қилишини, муסיқа дарсларида жамоа жимлиги, сукутининг аҳамияти ва уни яратиш муаммоларига тўқнаш келадилар. Муסיқа дарсларининг ўқувчилар учун қизиқарли бўлиши камлик қилади. Улар муסיқанинг инсон ҳаётида нима сабабдан бунчалик катта аҳамият касб этишни билишлари зарур. Акс ҳолда уларнинг муסיқа машғулотларига «қизиқиш» лари аста-секин сўна боради.

Ҳозирги пайтда ижодий қобилиятларни ривожлантириш масаласи муסיқавий педагогиканинг муҳим муаммоларидан бирига айланди. Ушбу масалани ижобий ҳал қилиш йўлларида бири сифатида кейинги йилларда ўқувчиларнинг ассоциатив тафаккурини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бирок муסיқа ўқитувчилари фаолиятининг таҳлили бу ишда катор муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Муסיқа студияларида муסיқавий идрокни ривожлантиришнинг аҳамияти катта, чунки студияларнинг асосий вазифаси ўқувчиларни муסיқани тушуниш ва севишга ўрғагишдир.

Д.Б.Кобалевский ўзининг «Умумтаълим мактабларида муסיқа дастурининг асосий тамойил ва услублари» китобида «муסיқани фаол идрок қилиш – муסיқа тарбиясининг

ва унинг барча тармоқларининг асосидир», деб ёзган эди. Бу мақсад хор студияларининг барча машғулотларида амалга оширилиши зарур. Бунинг аҳамияти айниқса янги келган болалар билан ўтказиладиган хор машғулотларида катта аҳамиятга эга. Чунки айти шу босқичда уларнинг келажакдаги мусиқавий ривожланишининг пойдевори қурилади. Хор синфлари машғулотлари бевосита ижрочилик, концертлар билан боғлиқ. Биз эса тадқиқот доирасини Г.М. Пыпин томонидан ифодаланган мусиқий-дидактик тамойиллари билан аниқлаб олдик.

Яъни,

- ўқув-педагогик ишларда фойдаланилувчи материал ҳажмини ошириш;
- қисқа муддатда зарурий ижро малакаларини эгаллаш;
- мусиқа ижрочилигининг назарий йўналишини бойитиш;
- машғулотларда ўқувчи-ижрочиларида мустақиллик, ижодий ташаббускорликни тўла намоён қилишни талаб қилувчи иш услубларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: «Маънавият», 2008. -176 б.
2. Ярцева С.Е. Дидактическое моделирование самостоятельной работы студентов: Дисс. канд.пед.наук. - Т.: ТГПИ им.Низами, 1991.-С.221.
3. Юзликбаев Ф.Р. Теоретические основн интенсификации начальной профессиональной адаптации молоднх учителей.-Т.,1993.-С106.
4. Ғозиев Э. Олий мактаб психологияси. - Т.: «Ўқитувчи», 1997.-104 б.

ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИ ТАЪЛИМИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АЙРИМ МУАММО ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ ҲАҚИДА

Хуришда Мирсолихова,

ЎзДК ҳузуридаги ИБАЛ етакчи ўқитувчиси

Ушбу анжуман ҳозирги кунда соҳада мавжуд баъзи долзарб муаммоларни ёритиб, қисман бўлсада, биргалиқда ижобий ечим топилади деган умиддаман. Мамлакатимизнинг барча жабҳаларида кундан-кунга шиддат билан амалга оширилаётган ислохотлар, ҳар бир соҳага ўзининг ижобий таъсирини ўтказаяпти. Мусиқа санъати ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги кунда малакали мутахассис кадрларни тайёрлашга яна ҳам катта эътибор қаратилаяпти. Ўсиб келаётган ёш авлодни мусиқага жалб қилиш, аниқроғи халқ чолғулари ижрочилигига қизиқтириш-уларнинг дунёқарашини шакллантириш, ижодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, фикрлаш доирасини кенгайтириш, ўйлашманки, кўпчилигимизни олдимизга қўйган мақсадларимиздан биридир.

Ҳар бир халқнинг мусиқа санъатида чолғу ижрочилиги алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирда керак-нокерак мусиқий қарашларни, йўналишларни кўпайиб бораётгани ёшларимизни чалғитмаслиги учун уларни ўзи мансуб бўлган халқнинг анъаналарини, бой мусиқий тарихини, ижрочилигини йўқотмасликка ўргатишимиз керак. Улардан мавжуд ижрочилик мактабини янада мукамаллаштириб, ривожлантириб, камчилик ва хатоларини тўғирлаб, кейинги авлодларга етказувчи билимли, салоҳиятли мутахассислар тайёрлашимиз зарур. Бу ҳаракатларнинг барчаси болаларга кичиклигидан, аниқроқ қилиб айтсак, мусиқа мактабларидан бошланиши керак. Бироқ, дарс ўтиш жараёнларидаги бир хиллик, ўқувчиларни ўз машғулотларимизга қизиқтира олмайганимиз, дарс ўтиш замонавий технологияларини ўз йўналишимизга мослаштира олмайганимиз ачинарлидир.

13. Нодир Умуров «Музыкальные информационные технологии в сфере развития музыкального искусства».....	249
14. Зулфия Палибаева «Освоение и внедрение адаптивно-оздоровительных методов путем целенаправленных эмоциональных и музыкальных воздействий в спортивной деятельности».....	252
15. Нилуфар Ибраимова, Зокир Хомидов «Музыка санъатида янги педагогик технологиялар қўлланилиши».....	254
16. М.Каримова «Инновацион таълимнинг айрим тарихий турлари».....	257
17. Rashid Primov «Musiqa o'qituvchisi va uning kasbiy mahorati».....	259
18. Саломат Жабборова «Музыка санъатининг шахс маънавий дунёсига таъсири».....	261
19. Ж.К.Синдарова «Ўқитувчилик фаолиятида касбий тайёргарликнинг ахамияти».....	263
20. Umida Matyaqubova «Musiqa darslarida hamkorlikda o'qitish texnologiyasining afzalliklari va istiqbollari».....	265
21. Yusufjon Vahidov «Ansambl rahbari va ijodiy samaradorlik masalalari».....	268
22. Ш.Ахмедов «Ўқувчиларнинг мусикий ривожланишида узвийликни таъминлаш».....	271
23. Х.Базаров «Музыкада муаммоли ва мулокотли технологиялар».....	273
24. Ислом Ахтамов « Миллий мақом санъатининг педагогик имкониятлари»..	275
25. З.Зиявутдинова «Инновацион жараённинг асосий компонентлари».....	278
26. Мохигул Қурбонова «Музыка маданияти дарсларида машғулотларни идрок этиш масалалари».....	280
27. М.Муратов «Бўлажак мусика ўқитувчиларининг касбий малакаларини шакллантиришда мустақил таълимнинг ўрни».....	283
28. А.Маҳамматов, А.Abduraximov «Музыка ўқитувчиларини касбий тайёрлашнинг айрим муаммолари».....	285
29. Хуршида Мирсолихова «Чолғу ижрочилиги таълими ривожланишидаги айрим муаммо ва уларнинг ечимлари хақида».....	287
30. Д.Мўминова «Ўқув-тарбия жараёнида педагогик инновациядан фойдаланиш».....	290
31. Нуриддинов Қамардин «XXI аср педагогик амалиётида инновацион технологияларнинг ўрни».....	293
32. А.Огахонов «Ўзбек ашулчилиги санъатига янгича муносабат».....	295
33. Д.Раимова «Музыка дарслари самарадорлигини ошириш конуниятлари».....	297
34. О.Турсунов «Музыка таълими жараёнига замонавий ёндашув».....	299
35. Nilufar Zaripova «Yoshlarda san'atga bo'lgan qobiliyatni shakllanishida an'analar va tarbiya o'rni».....	301

4-ШЎЪБА. Фольклор ва анъанавий мусика масалалари

4-СЕКЦИЯ. Фольклор и изустно-профессиональное традиционное творчество

4-SECTION. Folklore and learned professional professional creativity

1. ОтапазарМатякубов «Новая концепция узбекского национального искусства мақом».....	305
2. Африда Хакимова «Хронология Шашмакома».....	313
3. Ю.Эргашева, С.Муртозова «Мақом санъати –ўзбек миллий мусикий маданиятининг бебаҳо маънавий мероси».....	317